ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТНИНГ СЎЗИ ВА ИШИ

# ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**Тошкентдаги 153-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Раҳим Зияевнинг «Қаловини топсанг...» («Совет Ўзбекистони» 6 январь) сарлавҳали мақоласида коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги авангардлигини ошириб бориш борасида жуда қимматли таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланган эди. Мазкур мақола юзасидан редакция ҳамон кўплаб хатлар олмоқда. Уларда коммунистлар фаолиятининг бош мезони бўлган авангардлик ва ташаббускорлик, принципиаллик ва софдиллик, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, топширилган иш учун масъулиятни чуқур англаш сингари олижаноб фазилатларни сабот билан камол топтириб бориш юзасидан таклифлар билдирилмоқда. Қуйида Фарғона область Тошлоқ районидан олинган мактублар билан танишасиз.**

## ИШОНЧ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Одамлар ишончига сазовор бўлиш олий ва юксак бахт. Шу билан бир пайтда одамлар ишончи киши зиммасига катта масъулият юклайди, албатта. Коммунистлар одамлар эътиборини қозонган кишилардир. Бунга муносиблик ҳар бир партия аъзосидан авангард ва ташаббускор, софдил ва принципиал, ўзига ва бошқаларга талабчан бўлишни тақозо этади. Зеро, бу хислатлар коммунистлар ҳаётининг мезони ҳисобланади.

Очиғини айтиб қўя қолай. Бундан ўн бир йил аввал бригада бошлиғи вазифасига кўтарилишганида ҳам, кейинчалик коммунистлар ўз сафларига қабул қилишганида ҳам кўпчилик ишончини оқлай олармиканман, деган фикр менга тинчлик бермасди. Шундай кезларда отамнинг насиҳатлари менга далда берарди. Қишлоқнинг биринчи коммунистларидан бири, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, узоқ йиллар давомида колхоз ва қишлоқ Совети раиси лавозимларида ишлаб, катта ҳаётий тажриба орттирган отам: «Қизим, одамлар дилидагини бил, улар қалбига йўл топиб бамаслаҳат ишласанг, кам бўлмайсан», — дердилар.

Бу гапларда катта маъно бор экан. Одамлар билан биргаликда иш юритиш туфайли улар ишончини тобора кўпроқ қозона бордим. Ўтган йиллар мобайнида бригадамизда ҳосилдорлик 14 центнер кўпайди. Деҳқончилик учун ғоят мураккаб келган бултурги йилда ҳам гектаридан 41 центнердан хирмон кўтардик. Бу — колхоздагина эмас, балки районда энг юқори кўрсаткич. Йил бошида ер майдонимизни яна 15 гектарга кенгайтириб, 80 гектарга етказдик. 50 центнердан юқори сифатли пахта етиштириш мажбуриятини қабул қилганмиз. Ҳосилдорликни бирданига шунча ошириб бўлармикан, деган гумон туғилиши мумкин. Бунга асосимиз бор. Уч йил аввал кўпчилик майдонларимиздан 46 центнердан ҳосил олганимиз шубҳага ўрин қолдирмайди.

Тўғри, **одамларни жипслаштириш, юксак марралар сари руҳлантириш, коллективда ижодий меҳнат вазиятини вужудга келтириш ўз-ўзидан бўлмайди.** Бу ғоят муҳим ишда партия ташкилоти, партия группаси, барча коммунистлар ҳал қилувчи роль ўйнашлари керак. Бригадага янги раҳбар бўлган кезларимдаёқ буни сезган эдим. Ўша пайтда бригада партия ташкилотига механизатор Ёқуббек Турдиев етакчилик қиларди. Меҳнатсевар, тиришқоқ, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга одатланган коммунист ҳамманы мўл ҳосил учун курашга активлик билан сафарбар этди. Коммунистлар ўз етакчилари раҳбарлигида деҳқонларни машъаллар сафида дадил бошлаб боришди.

Лекин қўшни 6-бригадада ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб кетаверди. Қўшнингнинг иши ортга кетаверса, эришган ютуқларингдан олинадиган қувончинг ҳам татимай қолар экан. Партия ташкилотимиз йиғилишларининг бирида гап бориб қўшниларга ёрдам бериш масаласига тақалди. Шунда Ёқуббек сўз олиб, қолоқ бригадага ўтиб ишлаш истагини билдириб, коммунистлардан рухсат сўради. Унинг таклифига рози бўлишдан бошқа илож тополмадик. Тажрибали механизатор, жанговар коммунистни қўшни бригада аъзолари қувонч билан кутиб олишди. Коммунистлар уни ўзларига етакчи этиб сайлашди. Шу тариқа у қишлоқ хўжалик техникумини битириб келган ёш мутахассис Тожали Мамажоновга бригадага раҳбарлик қилишда ёрдамлаша бошлади. Бултур бу коллектив ҳам қолоқликдан чиқиб, илғорлар сафига қўшилди.

Коммунист ўртоқ Р. Зияев ўз мақоласида кўпчилик ишончини оқлаш, партиявий бурчни адо этиш учун жон куйдириб ишламайдиганлар учраб туриши хусусида жуда тўғри фикр юритган. Бизнинг хўжалигимизда ҳам шу тоифадаги коммунистлар йўқ эмас. Жумладан, Муҳиддин Шариповни ана шундайлар қаторига қўшсак янглишмаймиз. Бундан беш йил аввал у 14-бригадага бошлиқ этиб юборилди. Ана шу катта ишончга муносиб бўлиш учун у астойдил ишлаш ўрнига енг ташлаб юришдан нари ўтмади. Одамлар билан маслаҳатлашиб иш юритишни ўзига эп кўрмади. Аксинча, ўз билганича кўрсатма бериш билан овора бўлди. Натижада бригададан файз кетди, одамларда ишга бўлган муҳаббат совиди. Оқибатда ҳосилдорлик пастлаб, бригадада план бажарилмай қолди. Партия ташкилоти М. Шариповни лавозимдан бўшатиш ҳақида таклиф киритишга мажбур бўлди.

**Ишончни қозониш, албатта, осон эмас. Ишончга содиқ бўлиб, уни эътиқод билан оқлаш эса коммунистдан доимо ҳар ишда, ҳамма соҳада авангард ва ташаббускор бўлишни, олдинги сафда боришни талаб қилади.** Шу фазилатларни мужассамлантирган коммунист партиянинг чинакам жанговар сиёсий жангчиси бўлади, одамларнинг юксак ишончини қозонаверади.

**Қ. РЎЗИМАТОВА,**
**«Коммуна» колхози 5-бригадаси бошлиғи, район партия комитети бюросининг аъзоси.**

## СЎЗ ҚАДРИ

**Қаерда коммунистлар ташаббус ва масъулиятни чуқур англаб, тадбиркорлик билан иш олиб борсалар, ўша жойда ютуқлар кўпаяверади, юксак марралар сари дадил борилаверади.** Бу жамиятимиз ҳаётига сингиб кетган оддий ҳақиқат. Биргина фермамиз коллективи фаолияти мисолида ҳам буни яққол сезиш мумкин. Чунки хўжалигимизда жамоат чорвачилиги истиқбол йўлидан ривожланиб бораётганлиги бу коммунистларнинг фидокорона меҳнати, изчил, аниқ мақсадни кўзлаб қилаётган астойдил ҳаракати натижасидир.

Фермамиз партия ташкилоти сафида 9 коммунист бор. Уларда Ленин партияси аъзоси деган муқаддас номга муносиб фазилатлар ўз-ўзидан қарор топгани йўқ. Чорвадорлар ўртасида партия аъзолари сафини кенгайтириш ва жипслаштириш йўлида бир неча йиллар давомида узлуксиз иш олиб борилди. Ҳали-ҳали кечагидек ёдимда. Бундан йигирма икки йил муқаддам фермага келганимда фақат бир коммунист бор эди. Ўша кезларда юз бош атрофида сигир бўлиб, жуда кам маҳсулот олинарди. Менга ҳам 13 та сигир беришди. Илғорлар йил давомида ҳар бош сигирдан аранг 450—500 килограммга етказиб сут соғиб олишарди, **холос.**

Колхоз партия комитети чорвачиликни ривожлантириш йўлида жиддий иш бошлар экан, биринчи галда фермада партия ядросини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Меҳнатсевар, ўз касбига муҳаббат қўйган, топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган кишилар танлаб-тарбияланди, шулар ҳисобига партия сафи ўсди.

Ҳозирда ташкилотимиз сафидаги коммунистларнинг деярли барчасини ҳеч иккиланмай сўзи билан иши бир кишилар, деса хато бўлмайди. Менинг назаримда, уларнинг фаолиятида коммунист ўртоқ Р. Зияевнинг мактубида айтилган: «Самарали, сифатли, тежамли меҳнат қилиш ҳамиша бизнинг асосий мақсадимиз, турмуш тарзимиз, орзу ва интилишларимизнинг муҳим қирраси бўлиб қолиши лозим», — деган қимматли, ғоят топиб, ўрнида айтилган таклифлари мужассамланиб бораётгандек туюлади. Чунончи, коммунист Ўғилхон Қодирова фермамиздагина эмас, ҳатто областда юз тонначилик ҳаракатининг биринчилар қатори бошлаб берди. Бу республикада хизмат кўрсатган чорвадор бултур ўзига бириктилган ҳар бир сигирдан 5900 килограммдан сут соғиб олиб, 112 тонна юқори сифатли маҳсулот етиштирди. Унинг ҳамкасби коммунист Қурвонби Тўхтарова ҳар бир сигирдан 4725 килограммдан сут соғиб олди. Мен ҳам мусобақадошим Ўғилхон билан тенглашишга ҳаракат қилиб, 100 тонналик чўққини эгалладим. Коммунист Мадаминжон Раҳмонов моллар наслини яхшилаш ва маҳсулдор сигирларни кўпайтириш, зооветеринария талабларини бекаму кўст амалга ошириш учун жон куйдириб ҳаракат қилади. Ферма мудири Алижон Турғунов коммунистга хос ғайрат ва шижоат билан иш юритади. Унинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги туфайли чорвачилик саноат асосида муттасил юксалиб бормоқда.

**Коммунистларнинг ўз бурчига садоқати, чорвадорлар ўртасида ишнинг кўзини билиб маҳорат ва тадбиркорлик билан иш олиб бориши муваффақиятларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаяпти.** Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида давлатга уч йиллик социалистик мажбуриятда белгиланган миқдордаги гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар топширилди. Бултур ҳар бош сигирдан 4344 килограммдан маҳсулот олинди. Менинг кўз ўнгимда ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш ўн баравар ўсди, сигирлар сони уч ҳиссага кўпайди. Биринчи квартал бошида давлатга 148 тонна гўшт топширилиб, план 109 процентга адо этилди. Сут етказиб бериш ярим йиллик плани бажарилиш арафасида турибди. Биз 1985 йилга бориб гўшт ва сут етиштиришни булургига нисбатан 1,8—1,9, тухумни 2 баравар кўпайтириш, қорамоллар сонини 2 минг бошга етказиш, шу жумладан сигирлар сонини 2,6 бараварга оширишни мўлжаллаб иш олиб боряпмиз.

Зиммадаги ғоят юксак марраларни эгаллаш партия ташкилотида ўз сафини янада жипслаштиришни, коммунистлар активлигини бундан ҳам ўстириш учун бутун сиёсий ташкилотчилик ишини такомиллаштириб боришни тақозо этиши табиий бир ҳолдир. Айни кунларда ана шуни ҳисобга олиб Роҳилахон Қодирова, Салимахон Раҳмонова сингари илғор ёшларни ўз сафимизга қабул қилишга тайёрлаяпмиз. Коммунистларнинг бутун фикри-зикри ички резерв ва имкониятлардан янада самарали фойдаланишга қаратилмоқда. Шу йўсинда ҳар бир коммунистда, қолаверса, барча чорвадорларда партия, эл-юрт олдида берилган ваъданинг устидан чиқиш, кўпчилик олдида айтилган сўзнинг қадрини юксак билиб, уни амалда тўла-тўкис адо этиш ҳислатлари қарор топтирилмоқда.

Афсуски, ўртоқ Р. Зияев ҳақли равишда тилга олганидек, **баъзиларда ўз сўзини қадрлаш фазилати етишмайди. Мен район партия комитети пленуми, активи ва бошқа йиғилишларда қатнашиб тураман. Ана шундай обрўли йиғинларда минбарга кўтарилган баъзи раҳбар ходимлар ҳеч ўйламай-нетмай чорвачиликни ривожлантириш юзасидан катта-катта мажбуриятлар олиб, ҳаммани таажжублантириб гапирадилар.** Йиғилиш тугагач, улар ваъдаларини эсдан чиқариб юборишади. Сўзи бошқаю, иши бошқа бундай коммунистларга катта йиғинларда сўз бермаслик керак. Аксинча, бу тоифадаги кишилар ўзларининг асоссиз ваъдалари билан кўпчиликни чалғитиб қўйишади. Партия ташкилотларида бундай одамларни тўғри йўлга солиб қўйиш ҳақида жиддий ва принципиал ўйлаб кўрилса айни муддао бўлур эди.

**Р. САРИМСОҚОВА,**
**«Оқ олтин» колхозининг сигир соғувчиси, ферма партия ташкилотининг секретари.**

## ЛЕНИН ПАРТИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

9 июнь куни Давлат халқ тарих кутубхонасида РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишлаб «Совет халқининг синалган авангарди» мавзундаги китоб-сурат кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган материаллар янги типдаги пролетар партиясининг ташкил этилиши тўғрисида ҳикоя қилади. Съезд делегатларининг хотираларига, улар қабул қилган ҳужжатларга оид экспонатлар бор. В. И. Ленин асарларининг биринчи нашри эътиборни, айниқса, ўзига жалб этади. Бу асарларда партия тузилишининг ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплари ишлаб чиқилган.

Кўргазмада социалистик ва коммунистик қурилишнинг турли босқичларида КПСС кўп қиррали фаолияти акс эттирилган, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган буюк ғалабалари, партиянинг жамиятимиз ҳаётидаги раҳбарлик ва раҳнамолик роли яққол кўрсатиб берилган. (ТАСС).

## ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

### ДЕЛЕГАТНИНГ ИБРАТИ

**● Партия XXVI съездининг делегати Юрий Степаненко «Ташсельмаш» заводи коллективида самарали меҳнати билан шуҳрат қозонган. У 1983 йил планини Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи кунигача бажариш ташаббуси билан чиқди. Делегат-ишчининг ташаббуси корхонада кенг қўллаб-қувватланди. Бу ҳаракатга металл йўнувчи О. Шумицкий, пайвандчи М. Аброрхўжаев каби 700 ишчи ҳам қўшилиб, улар ҳар куни планга қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрлашга эришяптилар.**

**Ғ. МЎМИНОВ.**

### ҒОЛИБЛАР

**● — Йиллик план — юбилейгача! — Тошкент экскаватор заводида ана шундай шиор остида меҳнат қилаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Ота изидан бориб шу заводга ишга келган Олим Хўжаев Тошкентнинг 2000 йиллигини 1983 йил планини бажариш билан нишонлаш мусобақасида фаол қатнашяпти. Корхонанинг 4-разрядли слесари С. Хўжаев, Қ. Шодиев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари планни муттасил ошириб бажармоқдалар, шаҳар юбилейи шарафига бошланган мусобақада ғолиблик қилмоқдалар.**

**С. ҚОДИРОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ФАННИНГ КУЧИ — АМАЛИЁТДА

ТАРБИЯ ВА ТАДҚИҚОТ ЎЧОҒИ

Студент — катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган бўлғуси мутахассис, келгусида назарий билимларини турмушга жорий этувчи билимдон кадр, порлоқ истиқбол эгаси. Биз, ўқитувчилар зиммасига ниҳоятда юксак ва масъулиятли вазифа юкланган. Студентларнинг фан асосларини мукаммал эгаллашларига эришиб, уларни марксизм-ленинизм ғояларига садоқат, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, онгли ва интизомли қилиб тарбиялаш — булар ишимизнинг туб моҳиятини ташкил этади. Институтимиз ректорати, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари таълим билан коммунистик тарбияни уйғун олиб бориш кераклиги ҳақидаги доҳий В. И. Ленин кўрсатмасини изчил амалга ошириб келаётирлар.

Маълум ихтисослик бўйича таълим бериш жараёнида студентларнинг дунёқарашини марксча-ленинча таълимот асосида бойитиш ана шу уйғунликни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам барча факультет ва бўлимларда ижтимоий фанларни ўқитиш сифатини оширишга эътиборни қаратганмиз. В. И. Ленин асарларини чуқур ўрганиш студентларнинг ленинча яшаш, ўқиш ва ишлашга бўлган муҳаббатини ва эътиқодини кучайтирмоқда.

Талабалар чуқур билим олишлари, танлаган ихтисосларий бўйича етарли малака ҳосил қилишлари учун бизда барча шарт-шароит яратилган. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли билим даргоҳимиз учун кўп қаватли замонавий ўқув корпуслари, лабораториялар, тажриба полигонлари қуриб берилди. Керакли ўқув қуроллари, асбоб ва аппаратлари билан жиҳозлантирилди. Факультет, кафедра ва лабораторияларимиз, фан доктори ва кандидатлари, ўқитувчилар сони, студентларимиз контингенти ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Айни кунда мутахассис кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш, илмий изланишлар самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш борасида партия XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми қарорларида қўйилган улуғвор вазифалар коллективимизнинг диққат марказида турибди. Айниқса, таълим-тарбияни ҳаёт билан чамбарчас боғлаб олиб бориш, илмий изланишлар, тадқиқот ва тажрибалар кўламини давр талаблари асосида кенгайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда. Биз саноат корхоналаридаги «Сафимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин», деган жанговар чақириқдан келиб чиқиб «Институтда илмий иш олиб бормайдиган битта ҳам ўқитувчи бўлмасин» шиорини ўртага ташладик. Натижада барча кафедраларда ижодкорлик ва ташаббускорлик ҳаракати қизғин тус олиб кетди. Хусусан, химия, зоология, биология, сиёсий иқтисод, география, умумтехника таълими, ишлаб чиқариш асослари ва бошқа кафедраларимизнинг олимлари ўз соҳаларига алоқадор тармоқлар, ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан узвий ҳамкорликда кўпгина фойдали илмий муаммоларни ҳал этмоқдалар.

Талабалар эгаллаётган билимларнинг, институтда олиб борилаётган илмий ишларнинг кучи амалиётда эканлигини сира унутмаслигимиз керак. Шу боисдан ҳам умумий физика кафедрасида Қуёш энергиясидан фойдаланиш мақсадида амалга оширилаётган тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Қизилқум саҳросининг ўтлоқ яйловларида жойлашган чорвачилик хўжаликларини чучук сув билан таъминлаш проблемаси узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келарди. Ёш олимларимиз Бўрон Очилов ва Туробжон Жўраевлар яратган қуёш чучиткич қурилмаси бу муаммони ҳал этиш истиқболларини очиб берди. Бундай қурилма биринчи бўлиб Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида ўрнатилиб, ишга туширилди. Битта қурилма бир йилда хўжаликка 8-10 минг сўм иқтисодий самара беради. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг трести «Конимех» давлат наслчилик совхозида ҳам Қуёш сув чучиткич қурилмасини индустриал асосда барпо этишга киришди. Бундай қурилмаларимизга бўлган талаб тобора ортмоқда.

Мамлакат Озиқ-овқат программаси талабларига мувофиқ эндиликда халқни йил давомида сабзавот, цитрус мевалари, ошкўклар билан таъминлаш масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб қолди. Ижодкор олимларимизнинг изланишлари туфайли Қуёш теплицаси яратилди. 50 квадрат метрли шундай теплица 3-4 минг сўм миқдорида иқтисодий самара беради. Бунинг устига ҳам қулай, ҳам арзон, ҳам фойдалилигини айтмайсизми! Умумий техника фанлари кафедраси мудири, доцент Ю. Ёқубов ижодига мансуб аккумуляторли Қуёш теплицаси Бухоро районидаги «Маданият» колхозида қурилиб, синовдан яхши ўтгач, мазкур райондаги Энгельс номли, Свердлов районидаги Киров номли колхозларда ҳам барпо этишга киришилди. Бошқа хўжалик ва ташкилотлардан ҳам буюртмалар келиб турибди. Ишлаб чиқариш асослари кафедраси мудири, доцент М. Қаҳҳоров яратган янгилик «ИКСС» деб аталади. Бу қурилма ёрдамида Қуёш нури билан нурлантирилган чигит, сабзавот-полиз экинлари уруғларининг униб чиқиши одатдагидан 2,5—3 баравар тезлашиши ва ҳосилдорлиги ортиши аниқланди.

Коллективимиз умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институти, Бауман номли Москва Олий техника билим юрти, Москва Энергетика, Киев Политехника, СССР Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси ва Туркманистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институтлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирмоқда, илмий-тадқиқот ҳамда таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш йўлида бутун билимини, тажрибасини, куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

**В. МЎМИНОВ,**
**«Ҳурмат Белгиси» орденли Бухоро давлат педагогика институти ректори, профессор.**



**Қуёшли пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш йўлида шаҳримиз қурувчилари ажойиб армуғонлар ҳозирлашмоқда. «Спецжелезобетон» трести коллективи пойтахт марказида кўпдан кўп кўркам бинолар тиклашди. Улар янги 16 қаватли турар жой биносини яқин кунларда фойдаланишга топшириш арафасида турибдилар. Суратда: трестнинг илғор қурувчилари Рафиқ Имсанов ва Абдували Қурбонов ўртоқлар.**

**А. Тўраев фотоси.**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### ПИОНЕР ЁЗИ СОЗ ЎТАДИ

**● АНДИЖОН. Балиқчи районидаги «Победа» колхозининг пионер лагери дастлабки дам олувчиларини қабул қилиб олди. Колхоз ўрмон хўжалигидаги икки минг ўринли бу болалар оромгоҳи мавсум бошлангунга қадар қайта жиҳозланиб, реконструкция қилинди. Беш юз ўринли ёзги клуб биноси барпо этилди. Қўшимча ошхона ва медицина пунктлари очилди. Минг туп чинор, икки минг туп гул ўтқазилди. Иккита сузиш бассейнининг барпо этилиши эса лагерда ГТО Бутуниттифоқ комплекси нормативларини топшириш имконини беради.**

**С. ЙИГИТАЛИЕВ,**
**Балиқчи районидаги 42-мактаб ўқитувчиси.**

### ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА САНИТАРИЯ ПОСТЛАРИ

**● ТОШКЕНТ. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида шу долзарб кунларда пахтакорларга ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилган. Хўжаликнинг ҳамма дала шийпонларида санитария постлари ташкил этилди. Ҳар бирида дастлабки медицина ёрдами кўрсатиш учун барча зарур воситалар тахт қилиб қўйилган, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат гигиенасига оид адабиётлар бор. Ошқозон-ичак касалликлари ва шамоллашнинг, шикастланишларнинг олдини олиш тўғрисида мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиб турилмоқда. Т. ЗОКИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.**

* * *

**Шунингдек, газетхонлардан Г. Бобомуродова, О. Поёнова, С. Данаев (Қашқадарё), Ю. Цой (Самарқанд), С. Олтиева, А. Воҳидова (Бухоро), Х. Тукмамедова (Андижон), Ж. Саримсоқов (Наманган) ва Х. Бобомуродова (Сурхондарё) ўртоқлар ҳам редакциямизга турли мазмунда хат-хабарлар йўллашган.**

# СЎЗ КЎП-У, САМАРА ОЗ

РАЙКОМ ВА МАТБУОТГА РАҲБАРЛИК

— Район газетасининг ҳар бир сони материалларини диққат билан ўқиб бораман. Редакция журналистлари билан ой сайин учрашиб, суҳбатлашиб, фикрлашиб турамиз. Газета материалларининг жанговарлигини ошириш, мундарижасини кенгайтириш масалалари бўйича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб борамиз. Зарур бўлиб қолса, амалий ёрдам кўрсатамиз...

Суҳбатдошимиз — Гулистон район партия комитетининг биринчи секретари Р. Абдураҳмонов район журналистлари **«Гулистон»** газетаси саҳифаларида бригада пудратини жорий этиш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалаларини ёритишда фаол иш олиб бораётганликларини мамнуният билан таъкидлади. Район партия комитетида бўлган бошқа суҳбатлардан ҳам райком ходимлари газетачиларга амалий ёрдам кўрсатаётганликлари, ижодий изланиш ва ишчанликни қарор топтириш учун талабчанлик кўрсатаётганликларини пайқаб олиш мумкин эди.

Бундай қараганда, район партия комитети ўз матбуот органи фаолиятини чиндан ҳам изчил йўналтириб тургандек кўринади. Райком бюроси газета саҳифаларида совет турмуш тарзининг ёритилишига оид масалани муҳокама қилганига энди икки йил бўлди. Ўтган йили эса газетачиларнинг район меҳнаткашларини КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш масалаларини ёритиш борасидаги фаолияти қараб чиқилди. Сирдарё область партия комитетининг бюроси шундан кейин кўп ўтмай Гулистон район партия комитетининг оммавий ахборот воситаларига раҳбарлиги масаласини тинглади. Обком бюроси қабул қилган қарордан келиб чиқадиган вазифалар ўтган йили 17 ноябрда райком бюросида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор ҳам қабул қилинди. Ниҳоят, бундан уч ой муқаддам район партия комитети аппарати бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида, — редакция коммунистлари шу ташкилот ҳисобида турадилар, «Гулистон» газетаси редакциясида ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан ишлашнинг аҳволи муҳокама қилинди. Биз бу ўринда райком бюроси ҳар кварталда редакция коллективининг тематик планини тасдиқлаб бораётганини, редакция фаолияти билан боғлиқ баъзи бир масалалар хусусида бўлимларда фикрлашиб олинаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмоқчи эмасмиз.

Мана шу ишларнинг ҳаммаси редакция фаолиятининг деярли барча қирралари район партия комитетининг диққат марказида турганлигидан далолат беради, албатта. Бироқ, газета таҳламларини кўздан кечириш шундан ҳам далолат бермоқдаки, унинг саҳифаларида кўпдан кўп мақтов материаллари кенг ўрин олмоқда. Кўпинча район меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар, коммунистик тарбия вазифаларини бажаришнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинмайди. Кўпчилик материаллар ҳисобот характерида бўлиб, муаллифлар ўзлари амалга ошираётган тадбирларни, эришаётган ютуқларни енгил-елпи санаб ўтиш билангина кифояланмоқдалар. Бригада пудратини жорий этиш, қишлоқ хўжалик механизмининг янги структураси ҳаракатга кирган ҳозирги шароитда пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, резервларни тўла ишга солиш проблемалари мукаммал, кўламли очиб берилмаётир.

Энг асосий нуқсон шундаки, «Гулистон» саҳифаларида кейинги йилларда ўткир танқидий мақолалар, фельетонлар, умуман, кўринмаётир. Гоҳи-гоҳида эълон қилинаётган катта-кичик танқидий мақолаларнинг таъсирчанлиги ҳам жуда суст. Шуни айтиш кифояки, кейинги икки икки ярим йил мобайнида газета саҳифаларида бор-йўғи ўн учта танқидий мақола босиб чиқарилди, холос. Газета саҳифаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ташаббускор, изланувчан, омилкор кадрларни тарбиялашнинг актуал масалалари принципиал кўтариб чиқилмаётганлиги, савдо, хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги нуқсонлар, айрим эгри қўл, нопок одамларнинг кирдикорлари дадил фош қилинмаётганлиги — газетанинг суст позицияси ўқувчиларнинг хафсаласини пир қилаётганлиги турган гап. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, «Гулистон» редакцияси ўз газетхонларидан, ишчи-қишлоқ мухбирларидан йилига бор-йўғи... биттадан танқидий хат олмоқда. Бу ўринда изоҳга ҳожат қолмайди.

Хўш, газета редакцияси фаолиятидаги бундай пассивликни қандай баҳолаш керак? Наҳотки, район партия комитети ўз матбуот органини фақат ютуқларни мақтовчи, камчиликларни хас-пўшловчи ролида кўришни истаса? Ёки район журналистлари, редакция раҳбарлари жойлардаги камчиликларни кўрмаётирларми? Бизнингча, ҳар икки эътирозда ҳам жон бор.

Биз газета редакциясининг фаолияти у ёки бу жиҳатдан муҳокама қилинган бюро материалларини диққат билан кўздан кечирдик. 1982 йил 18 августда қабул қилинган қарорда газета саҳифаларидан ўрин олаётган материаллар умумий тусда бўлиб қолаётганлиги, социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши тўлақонли ёритилмаётганлиги, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, уларда қарор топган сиёсий-ташкилотчилик ишларининг усул ва услублари саёз, малакасиз ёритилаётганлиги, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги ва ижтимоий ҳаётдаги активлиги сингари мавзулар эътибордан четда қолиб кетаётганлиги таъкидланган. Редакция коллективининг олдига социалистик мусобақани ташкил этишдаги расмиятчиликлар, хўжасизлик, баъзи колхозларнинг қолоқлик сабабаларини очиб ташлаш вазифаси қўйилган эди. Орадан уч ой ўтгач, район газетаси ишига тааллуқли масала бюрода яна муҳокама қилинди. Бу сафар қабул қилинган қарорда ҳам газета саҳифаларида танқидий мақолалар кам чиқаётганлиги такрор равишда таъкидланди. Бироқ, ана шу ўринли талаблар, фойдали кўрсатмалар қоғозда қолиб кетди. Райком бюросининг қарори қандай бажарилаётганлиги контрол қилинмаётир.

Газета саҳифасида танқидий мақолалар камлиги ҳақида юқорида тўхталдик. Бироқ, ачинарлиси шундаки, баъзи бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари, хўжаликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари район газетасининг танқидий чиқишларига эътибор бермасликка уринмоқдалар. Биргина мисол келтирамиз. «Гулистон» саҳифасида «Эҳтиёт бўлинг, пол тешилади» (1982 йил 3 июнь) сарлавҳали каттагина танқидий мақола босилиб чиқди. Унда 60-механизациялашган кўчма колонна коллективи қураётган бинолар сифати талабга жавоб бермаслиги, қурилиш ишлари муддати ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётгани танқид қилиниб, бунда айбдор кишилар номи тилга олинган эди.

Мақолани муҳокама қилиш ҳамда тегишли чора кўриш учун кўчма қурилиш колоннаси бошлиғи В. Ни номига юборишди. Бироқ, қурилиш ташкилотининг раҳбари газетага вақтида амалий жавоб беришни лозим топмади. Шундан кейин редакция бир неча бор огоҳлантирувчи хат йўллади. Афсуски, уларнинг ҳеч бири калондимоғ раҳбарга таъсир кўрсатмади. Шу ўринда бир савол туғилади. Наҳотки, бу воқеадан район партия комитетидагилар хабардор бўлишмаса?! Албатта, район партия комитетида қурилиш колоннаси бошлиғининг газета танқидини менсимаётгани, унинг танқидий чиқишини назар-писанд қилмаётганлигидан хабардор эдилар. Лекин бу ерда ўзига ҳаддан ташқари бино қўйган В. Нининг номуносиб хатти-ҳаракатига тегишли баҳо бериш, уни тўғри йўлга солиб қўйиш ўрнига бу воқеани эътиборсиз қолдиришни лозим топишди.

Газета материалларининг таъсирчанлигини ошириш чоралари кўрилмаётганлиги, газетанинг коллектив ташкилотчи сифатидаги ролига, унинг жойлардаги нуқсонларни бартараф этиш, ишни амалий жиҳатдан яхшилашга бўлган таъсирига путур етказмоқда. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, газетанинг онда-сондаги чиқишларига эътиборсизлик билан қараш ҳоллари якка-ёлғиз эмас. Хусусан, райком бюросига тайёрланган ҳужжатларнинг бирида таъкидланишича, редакция 1981 йили 21 та танқидий чиқишнинг 9 тасига, 1982 йили 5 та танқидий чиқишнинг 2 тасига тегишли ташкилотлардан жавоб хати ололган эмас.

Матбуот органининг сўзи партия ташкилоти қўллаб-қувватлаши билан кучлидир. Гулистонда чамаси, буни унутиб қўйишаётган кўринади. Бу эса газета чинакам пропагандист, агитатор сифатида чиқиб туришига, район ҳаётининг барча жабҳаларини ўқимишли, тўлақонли ёритишга эришишда район журналистларига амалий ёрдам берилмаётганлигида кўзга ташланади. Лекин район журналистлари ҳам ижодий изланиш лозимлигини, қайноқ яратувчилик меҳнатига ҳамоҳанг материаллар газета саҳифасида муттасил чиқиб туришини таъминлашлари, партия илгари сураётган вазифаларни бажариш учун ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган фидокор замондошларимизнинг ёрқин образини яратиш зарурлигини унутиб қўймоқдалар. Натижада ҳануз газета материалларини яхшилаш, унинг мундарижасини кенгайтириш тўғрисида кўп гапирилмоқда-ю, унинг самараси кўринмаётир.

**А. УМАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

